

Британия Ислом Кенгашига Зара Муҳаммад бош директор этиб тайинланди



17:45 / 02.02.2021 1185

Ўтган ҳафта Зара Муҳаммад Британия Ислом Кенгаши аъзолари томонидан бош директор этиб сайланган. Бу ҳақда El Arabi El Jadid веб-сайти маълумот берди. Бунгача Ҳарун Хон Британия Ислом Кенгаши бош директори лавозимида ишлаган.

Зара Муҳаммад ўз баёнотида: «Мен Британия мусулмонларининг эҳтиёжларини қондириш ва умумий мақсадларига эришиш учун кенг қамровли ва намунали Ислом делегациясини яратишдан мамнунман», дейди. — Ислом жамиятимиз келажаги ва унинг тараққиётини шакллантиришда аёллар ва ёшларни муҳим ўринларга эга бўлишига ундайди. Мен бош директор этиб тайинланган биринчи аёл бўлиш шарафига муяссар бўлдим.

Зара Муҳаммад аввал Британия Ислом Кенгаши бош котиби муовини бўлиб фаолият юритган. Стратклайд университетидан инсон ҳуқуқлари бўйича магистр даражасини олган. Шунингдек, таълим ва ривожланиш бўйича маслаҳатчи сифатида ҳам ишлайди.

Британия Ислом Кенгаши мамлакатдаги энг йирик Ислом демократик кенгаши ҳисобланиб, Буюк Британиядаги масжидлар, мактаблар ва

муассасалар ҳомийлигида фаолият юритади.

Хуршид Маъруф тайёрлади